



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдураззоқов Сардор Алишер ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
210-гурух курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/зенодо.15078141>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025
Accepted: 18th March 2025
Published: 24th March 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Вояга етмаганлар жиноятчилиги— бу жамиятнинг аниқ бир тоифасининг, яъни ёшларнинг, ҳуқуқий нормаларни бузиши ва жиноятларга қўл ургани ҳолатидир. Бу глобал муаммо бўлиб, жамиятни турли ҳолларда салбий таъсир кўрсатишга олиб келади. Шу сабабли, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш масаласи ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун долзарб ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур¹.

Вояга етмаганларнинг жиноятларга қўл урганлигига сабаб бўлган омиллар турли хилдир. Улар оила, таълим, жамият ва шахснинг ўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз— амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб

¹ Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-2833-сон қарорида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган.

2024 йилнинг 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида ИИВнинг 2023 йилда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ва идоралар билан олиб борган ҳамкорликдаги ишлари юзасидан ахбороти эшитилган. Ушбу ахборотда 2023 йилда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар

2022 йилга нисбатан 5,3 фоизга ортганлиги, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сони айрим ҳудудларда юқориликча қолаётганлиги қайд этилган. Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва қонунбузилишларнинг олдини олиш, уларда бундай ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишда, психологик муҳитни янада яхшилаш ва барқарорлаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар яъни қаровисиз болалар билан ишлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишда Вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур марказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ички ишлар вазирининг буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмаларига, шунингдек, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида Низомга амал қилиб, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровисизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳамда вояга етмаганларни қабул қилиш,

² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

вақтинча сақлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитациясини амалга оширувчи махсус бўлинмаси ҳисобланади³.

Қонунчилигимизда Вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс; Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

Ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаган — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

Назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида ҳуқуқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган⁴ деб белгилаб қўйилган.⁵ 2024 йил 20 февраль куни президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ишини ўзгартириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган, мазкур марказларни тарбияси оғир болаларнинг муаммолари билан ишлаб, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича комплекс ижтимоий хизмат кўрсатадиган масканга айлантириш лозимлиги қайд этилган. Мутасаддиларга бундай марказларни “Ҳаёт мактаби” сифатида қайта ташкил этиш топширилган.⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.2021 йилдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ 490-сон қарорида Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазифларидан бири бўлиб вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш белгилаб берилган. Шунга кўра мазкур қарорда

2021 йил 1 сентябрдан эътиборан қаровсиз болалар билан ишлаш тизимида бир нечта тартиб жорий этилиб, унга мувофиқ: вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш ҳамда қаровсиз болаларни марказга қабул қилиш ва вақтинча сақлаш бўйича қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган:

-вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан — таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари томонидан — хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.2021 йилдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ 490-сон қарори

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонун

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 263-сон қонуни.

⁶ https://uza.uz/uz/posts/voyaga-etmaganlarga-izhtimoiy-huquqiy-yordam-korsatish-markazlari-hayot-maktabi-sifatida-qayta-tashkil-etiladi_569627?ysclid=m874eny2tk650019363

— оилаларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида қаровсиз болалар аниқланади;

-ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш йўналишидаги ишларга фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари масъул этиб белгиланиб, улар зиммасига маҳаллаларда қаровсиз қолган болаларнинг ўз вақтида аниқланмасдан қолиш ҳолатлари бўйича шахсий жавобгарлик юкланади;

-вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради;

-профилактика инспектори қаровсиз бола аниқланганлиги ҳақида туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиғининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар туманлари ички ишлар органлари бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосари)га (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи) навбатчилик қисми орқали хабар беради;

-профилактика инспектори боланинг шахсини аниқлаш ҳамда унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни, қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни бирламчи ўрганиш бўйича тадбирларни амалга оширади, агарда боланинг қаровсиз қолмаганлиги тўғрисида хулосага келса, далолатнома тузиш орқали уни ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширади;

-профилактика инспектори бирламчи ўрганиш натижаларига кўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хулосага келса, ушбу хулосани туман (шаҳар) жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади, у эса, хулосани кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш ҳақида йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади;

-Марказ ходимлари 5 соат ичида махсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради;

-Марказ бошлиғи ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)га (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи) қаровсиз бола қабул қилинганлиги ҳақида навбатчилик қисми орқали хабар беради;

Марказ бошлиғининг сўровига асосан ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси мутахассислари 3 соат ичида Марказга етиб келиб, қаровсиз болани белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказди;

тиббий текширув хулосасига кўра қаровсиз боланинг даволанишга муҳтожлиги (ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан ортда қолган, тан жароҳати, касаллиги, ҳомиладорлиги) аниқланган ҳолларда у даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига ёки ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан ортда қолаётган болаларга мўлжалланган муассасага жойлаштирилади;

Марказ томонидан 48 соат ичида қаровсиз боланинг шахси аниқланади, унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омиллар тўлиқ ўрганилади, боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра ижобий хулосага келинса, бола ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи

шахслар)га топширилади. Аммо ҳозирда кунда амалиётда вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш ҳамда қаровсиз болаларни марказга қабул қилиш ва вақтинча сақлаш бўйича шунингдек улар билан тарбиявий якка тартибдаги профилактик тадбирларни амалга оширишда муаммолар юзага келиши мумкин. Чунки қаровсиз болаларни марказга қабул қилиш суднинг қарори билан 1 ой муддатгача сақлаш белгиланган бўлса, тегишли туман шаҳар ИИО бошлиқлари қарори билан 48 соатдан ошмаган ҳолда сақлаб туришлик белгиланган.

Вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш масаласи ҳеч қандай ҳолда кечиктирилмаслиги лозим бўлган долзарб вазифадир. Ҳар бир давлат ва жамият ўз ёшларига керакли таълим, тарбия ва иш фаолияти учун имкониятлар тақдим этиш орқали уларни жиноятчиликка қарши муҳофаза қилиши зарур. Оила, таълим муассасалари, давлат ва жамиятнинг ҳамкорлигида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ёшларнинг келажагини ва жамиятнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ниматов Ш. Н. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
2. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.2021 йилдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ 490-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонун
5. Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 263-сон қонуни.
6. https://uza.uz/uz/posts/voyaga-etmaganlarga-izhtimoiy-huquqiy-yordam-korsatish-markazlari-hayot-maktabi-sifatida-qayta-tashkil-tiladi_569627?ysclid=m874eny2tk650019363